

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

4-сон
(64)
2003 й.
февраль

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами тўрт бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимида Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўпламнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

29. «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон Фармони

Учинчи бўлим

30. «Австрия Республикаси фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 февралдаги 84-сон қарори
31. «Италия Республикаси фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 февралдаги 85-сон қарори
32. «Испания Қироллиги фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 февралдаги 86-сон қарори
33. «Швейцария Конфедерацияси фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 февралдаги 87-сон қарори
34. «Пахта хом ашёси етиширишда бозор принципларини амалга ошириш ва уни етиширишни ташкил этишни янада такомилаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 февралдаги 93-сон қарори

36. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервига хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 февралдаги 99-сон қарори [Кўчирма]
37. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат божи ставкалари хақида» 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарорини қисман ўзгартириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 февралдаги 100-сон қарори
38. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервига хизматини ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 февралдаги 104-сон қарори
39. «Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллиги фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 февралдаги 106-сон қарори
40. «Франция Республикаси фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 февралдаги 107-сон қарори
41. «Бельгия Қироллиги фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 февралдаги 108-сон қарори
42. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 февралдаги 112-сон қарори
43. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат хизматчиларининг лавозим маошларига йигирма фоизли устама ҳақ белгилаш тўғрисида» 1997 йил 3 июлдаги 339-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 февралдаги 113-сон қарори
44. «Ўзбекистон Республикаси адлия муассасалари ва судларни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 февралдаги 114-сон қарори

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

29 Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Қайд этиб ўтилсинки, республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишинг биринчи босқичи умуман муваффақиятли амалга оширилмоқда. Кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам тизими — Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази, вилоят марказлари ва туман марказий шифохоналарида ихтисослаштирилган бўлимлар тузилган бўлиб, улар ахолига тезкор бепул шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминламоқда.

Кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам муассасалари замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланмоқда.

Шифокорларнинг малакаси ҳамда замонавий тиббий техника билан жиҳозлашни ҳисобга олган ҳолда кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам тизими шифокорлари ҳамда тиббиёт ходимларининг меҳнатини ташкил этиш ва моддий рафбатлантириш тизими муттасил такомиллаштириб борилмоқда.

Ахолига, энг аввало қишлоқ жойлардаги ахолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими ислоҳ қилинмоқда. Республиканинг барча туманларида замонавий тиббий ускуналар ва дори-дармонлар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимидағи ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, республикада юксак жаҳон талаблари даражасидаги юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббий марказларни шакллантириш, илфор тиббий технологияларни кенг жорий этишнинг ташкилий, молиявий-иктисодий ва хуқуқий шарт-шароитларини вужудга келтириш мақсадида:

1. Илфор чет эл тажрибасини ҳисобга олган ҳолда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтоҷ bemорларни қабул қилувчи ҳамда замонавий ташхис ва даволаш тиббий ускуналаридан фойдаланиб даволайдиган маҳсус клиникалар ва тиббий марказларни ташкил этиш Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими ни ислоҳ қилиш иккинчи босқичининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, маҳсус клиникалар ва тиббий марказлар, қоида тариқасида, қўйидаги талабларга мос келиши лозим:

яхши тайёргарлик кўрган ва ўз тиббиёт соҳасида тан олинган ҳамда юксак обрў эътибор қозонган шифокор-мутахассисларга эга бўлиш;

юқори технологияли ташхис ва даволаш тиббий ускуналари билан жиҳозланган замонавий моддий-техника базасига эга бўлиш;

ўз тиббий амалиётида юксак жаҳон талабларига мос келадиган даволаш ва ташхиснинг мураккаб усуllibарини жорий этиш ҳамда кенг қўллаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Ижтимоий комплекси, соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг тажриба тариқасида қўйидаги ларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Урология илмий маркази негизида Республика ихтисослаштирилган урология маркази;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг академик В. Вохидов номидаги Жарроҳлик илмий маркази негизида Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази;

Тошкент шаҳридаги Тошкент вилоят кўз микрохирургияси маркази негизида Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази;

Кардиология илмий-тадқиқот институти ва Тошкент шаҳридаги 15-шаҳар клиник шифохонаси негизида Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази.

4. Қўйидагилар ташкил этилаётган ихтисослаштирилган тиббий марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Марказ фаолиятининг тегишли соҳаси бўйича замонавий ташхис усулларини жорий этиш ҳамда ахолига юкори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

мавжуд тиббий техника ва аппаратларнинг доимий янгиланиб ва замонавий-лаштириб борилишини таъминлаш, марказни илфор жаҳон ютуқлари даражасида юкори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш имконини берадиган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

Марказнинг ўзини-ўзи молиялаш ва ўзини-ўзи қоплаш шартлари асосида фаолият кўрсатишини таъминлаш учун молиявий ва моддий-техникавий ресурсларни жалб этиш борасидаги менежмент ва маркетинг ишларини ташкил этиш;

Марказ тиббиёт ходимларининг, шу жумладан мутахассисларнинг етакчи хорижий тиббиёт ўқув муассасалари ва клиникаларда амалий малака орттиришларни ташкил этиш ҳисобига касб маҳоратини доимий ошириб бориш ва такомиллаштириш;

беморларни даволашнинг ўз илфор усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиши ҳамда тиббий амалиётга жорий этишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш;

соҳага алоқадор илфор хорижий тиббиёт муассасалари ва марказлари билан ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, ахборот, тўпланган тажриба ва мутахассисларни кенг кўламда айрибошлашни таъминлаш.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда:

давлат номидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги ҳамда Марказ Кенгаси тимсолида Марказнинг меҳнат жамоаси Республика ихтисослаштирилган тиббий марказларнинг муассислари хисобланадилар;

давлатга тегишли мулк ишончли бошқарув ҳуқуқи билан Марказнинг устав жамғармасига топширилади;

давлат томонидан мададга муҳтож бўлган шахслар (имтиёзли тоифадаги шахслар)га давлат бюджети маблағлари ҳисобидан юкори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилади;

Марказнинг фаолияти давлат бюджети маблағлари, Марказнинг ўз даромадлари ва жалб этиладиган манбалар (грантлар, хомийларнинг маблағлари ва бошқалар) ҳисобига аралаш асосда молияланади. Бунда давлат бюджети маблағлари ҳар бир Марказга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали харажат моддалари бўйича тақсимланмаган ҳолда алоҳида сатр билан ажратилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йилги республика бюджетларини шакллантириш чоғида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2004 йилдан бошлаб Республика ихтисослаштирилган марказларининг узофи билан 2008 йилда ўзини-ўзи молиялаш ва ўзини-ўзи қоплашга ўтишини назарда тутган ҳолда

ушбу Марказларни сақлашга бюджет маблағларининг жорий харажатлари босқич-ма-босқич камайтириб борилишини кўзда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги Республика ихтисослаштирилган марказлари фаолиятининг натижаларини ҳисобга олган ҳолда 2006 йилнинг 1 январига бориб Марказларнинг устав жамғармасига топширилган давлат мулкини имтиёзли шартлар билан меҳнат жамоасига мулк сифатида сотиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

8. Марказ меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши томонидан сайланадиган Марказ Кенгаши Республика ихтисослаштирилган тиббий марказининг юқори бошқарув органи деб ҳисобланиши белгилаб қўйилсан.

Кенгаш аъзолари ичидан Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлигининг тақдимномаси бўйича Ҳукумат қарори билан тайинланадиган директор Марказ Кенгашининг раиси ҳисобланади.

9. Марказларга қўйидаги хуқуқ берилсан:

Марказнинг устав жамғармасига топшириладиган давлат мулкидан фойдаланиш ва уни бошқариш;

лавозимлар рўйхатини мустақил равишда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, Марказ ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рафбатлантириш шартларини бажариладиган ишларнинг мураккаблик даражаси, сифати ва ҳажмига нисбатан табакалаштирилган тарзда белгилаш.

10. Қўйидагилар тасдиқлансан:

Республика ихтисослаштирилган тиббий марказини барпо этиш ва унинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисида 1-иловага мувофиқ Низом;

Республика ихтисослаштирилган марказлари томонидан давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахсларнинг 2-иловага мувофиқ рўйхати.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғликни сақлаш вазирлиги ташкил қилинаётган ихтисослаштирилган марказлар билан биргаликда бир ой муддатда белгиланган тартибда қўйидагиларни ишлаб чиқиб, тасдиқласин:

ташхис ва даволаш сифати стандартларига риоя этган ҳолда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Республика марказлари томонидан ахолига пулли хизмат кўрсатиш қоидалари;

Республика ихтисослаштирилган марказларини молиялаш тартиби ва манбалари тўғрисида Низом;

ихтисослаштирилган марказлар томонидан пулли тиббий ёрдам кўрсатиш учун тарифларни шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби;

имтиёзли тоифадаги беморларни даволаш ҳақини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлаш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Республика ихтисослаштирилган марказларининг бюджет маблағларидан, тасдиқланган тарифлардан мақсадли ва қонуний фойдаланиши устидан қатъий назорат ўрнатсан.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда мазкур Республика ихтисослаштирилган марказларини даволаш ва ташхис ускуналари, тиббиёт асбоблари билан жиҳозлаш нормативларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсан, ана шу нормативлар асосида 2003 йилдан бошлаб Республика инвестиция дастурларида уларни замонавий тиббиёт ускуналари ва асбоблари билан тўлиқ таъминлаш учун зарур капитал маблағлар кўзда тутилсан.

13. Давлат томонидан кўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу Республика ихтисос-

лаштирилган марказлари ўз эхтиёjlари учун олиб келинадиган тиббиёт ускунала-ри ва асблори учун 2003 йилнинг 1 мартадан то 2012 йилнинг 31 декабрига қадар 10 йил муддатга барча турдаги солиқлар, божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йифимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинсин, бўшайдиган маблағлар Марказларни ривожлантириш ва жиҳозлашга мақсадли тарзда йўналтирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни саклаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган марказлари ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда 2003 йилда амалга ошириладиган тажриба таҳлили натижалари бўйича Марказларнинг норматив базасини, улар фаолиятини ташкил этиш ва молиялаш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда мазкур Фармонни ижро этиш юзасидан Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

17. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 26 февраль,
ПФ-3214-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон
Фармонига 1-ИЛОВА

Республика ихтисослаштирилган тиббий марказини барпо этиш ва унинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Ушбу Низом Республика ихтисослаштирилган тиббий марказлар ва клиникаларни (қуйида — «Марказ» деб юритилади) барпо этиш, фаолиятини ташкил қилиш ва молиялаш тартибини белгилаб беради.

I. Умумий қоидалар

1. Марказ Ҳукумат қарори асосида муайян соҳа бўйича даволаш-профилактика ва илмий-методик фаолиятни амалга оширувчи ҳамда аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи мустақил ихтисослаштирилган тиббий муассаса сифатида барпо этилади.

2. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қиласди.

3. Марказ, қоида тариқасида, қуйидаги талабларга мос келиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

яҳши тайёргарлик кўрган ва ўз тиббиёт соҳасида тан олинган ҳамда юксак обрў-эътибор қозонган шифокор-мутахассисларга эга бўлиш;

юқори технологияли ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган замонавий моддий-техника базасига эга бўлиш;

ўз тиббиёт фаолиятида жаҳон стандартларига мос келадиган даволаш ва ташхиснинг мураккаб усусларини жорий этиш ҳамда кенг қўллаш.

II. Марказнинг мақсади, вазифа ва функциялари

4. Марказни барпо этиш ва унинг фаолиятидан кузатилган мақсад қўйидаги-лардан иборат:

юксак сифатли ва жаҳон стандартлари даражасида ихтисослаштирилган тиббиёт ёрдам кўрсатиши лозим бўлган юқори технологияли моддий ва илмий базани ҳамда ўз тиббиёт мактабини шакллантириш;

аҳолининг ташхис, даволаш ва профилактика бўйича ихтисослаштирилган, юқори технологияли тиббиёт ёрдамга бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш.

5. Марказнинг асосий вазифалари:

а) замонавий ташхис усусларини жорий этиш ҳамда қўйидагиларга юқори малакали ихтисослаштирилган тиббиёт ёрдам кўрсатиш:

давлат томонидан мададга муҳтоҷ бўлган шахслар (имтиёзли тоифадаги шахсларга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан поликлиникаларнинг мавжуд ўрин фонди ва қабул қилиш кувватининг 20 фоизига қадар ҳажмда);

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, шунингдек хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга асосан пулли тиббиёт хизмат кўрсатиш;

б) мавжуд тиббиёт техника ва аппаратларнинг доимий янгиланиб ва замонавийлаштириб борилишини таъминлаш, Марказни илфор жаҳон ютуқлари даражасида юқори малакали ихтисослаштирилган тиббиёт ёрдам кўрсатиш имконини берадиган замонавий тиббиёт асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

в) Марказнинг ўзини-ўзи тўлиқ молиялаш ва ўзини-ўзи қоплаш шартлари асосида фаолият кўрсатишини таъминлаш учун молиявий ва моддий-техникавий ресурсларни жалб этиш борасидаги менежмент ва маркетинг ишларини ташкил этиш;

г) Марказ тиббиёт ходимларининг, шу жумладан мутахассисларнинг етакчи хорижий тиббиёт ўқув муассасалари ва клиникаларда амалий малака орттиришларини ташкил этиш ҳисобига касб маҳоратини доимий ошириб бориш ва такомиллаштириш;

д) беморларни даволашнинг ўз илфор усуслари ва технологияларини ишлаб чиқиши ҳамда тиббиёт амалиётга жорий этишга каратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш;

е) Марказ йўналишлари бўйича касалликларни даволаш ва ташхис қўйишнинг патентланган ўз усуслари ҳамда технологияларини муттасил такомиллаштириб бориш ва халқаро миқёсда эътироф этилишига эришиш;

ж) тиббиёт соҳасида республика мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол қатнашиш;

з) соҳага алоқадор илфор хорижий тиббиёт муассасалари ва марказлари билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, ахборот, тўпланган тажриба ва мутахассисларни кенг кўламда айрибошлишни таъминлаш.

6. Марказ ўз зиммасига юкланган вазифаларга мувофик:

республика аҳолисининг жаҳон стандартлари даражасида ўз соҳаси бўйича касалликларга ташхис кўйиш, уларни даволаш ва олдини олишнинг энг самарали, мураккаб ва юқори технологияли усусларига бўлган эҳтиёжини таъминлайди;

тиббиётнинг аниқ бир соҳасида касалликларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва олдини олишнинг илфор самарали усуллари ҳамда технологияларини ишлаб чиқиб, тадбиқ этади;

шифокор-мутахассисларнинг ўз мактабини шакллантиради ва ривожлантиради ҳамда республиканинг бошқа муассасаларини ўз соҳаси бўйича юқори малакали мутахассислар билан таъминлайди;

Марказ ўйналишлари бўйича дори-дармонларни, тиббий аҳамиятдаги восита-ларни ҳамда касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш усулларини ишлаб чиқади, тайёрлаб чиқаради ва клиник синовларини амалга оширади;

ўз соҳаси бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширади ҳамда Марказ томонидан ишлаб чиқилган ташхис ва даволаш услубларини республиканинг бошқа тиббиёт муассасаларида кенг жорий этиш бўйича методологик ишларни олиб боради;

Марказни ихтасослаштириш асосида тиббиёт соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантиришнинг устувор ўйналишлари бўйича таклифларни Фан ва технологиялар марказига кўриб чиқиш учун киритади;

ушбу соҳа бўйича ўз илмий ва технологик ютуқларини хориждаги тиббиёт ола-м�다 тақдим этади;

Марказ фаолияти соҳалари бўйича ўзининг илмий, ўқув-услубий ва ахборот-маълумотнома материалларини тайёрлайди ҳамда нашр этади.

III. Марказнинг ҳуқуқ ва бурчлари

7. Марказ барча фаолият соҳаларидағи ўз муносабатларини шартнома, битим, контрактлар асосида ташкил этади ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, шунингдек Марказ фаолияти мақсад ва мавзуси доирасида юридик ҳамда жисмоний шахслар билан тузади.

8. Марказ кўрсатилаётган барча турдаги тиббий хизматлар, бажариладиган ишлар, ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган маҳсулотларнинг тариф ва нархлари-ни Ўзбекистон Республикасининг Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда мустақил белгилашга ҳақлиdir.

9. Марказ мўлжалланган мақсадларга эришиш ва зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун белгиланган тартибда қуидаги ҳуқуқларга эга:

Марказнинг устав жамғармасига топшириладиган давлат мулкидан фойдала-ниш ва уни бошқариш;

ривожланиш бизнес-режаларини, ўз бюджетини мустақил равишда шакллантириш, уларнинг ҳажмлари, харажатларни шакллантириш ва ўйналиш манбаларини белгилаш;

аҳолига пулли асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрса-тиш;

белгиланган тартибда асосий воситаларни ижарага олиш, кредитлар, қарзлар, грантларни ва бошқа молиявий ёрдамни жалб этиш;

амалдаги қонунчиликка мувоғиқ Марказ ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш миқдорларини бюджет маблағлари ҳамда пулли тиббий хизмат кўрсатишдан олинадиган даромадлар доирасида мустақил белгилаш;

Марказ фаолияти ўйналишлари бўйича илмий тадқиқотларни ўтказиш учун давлат бюджетидан грантлар олиш мақсадида танловларда иштирок этиш;

хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида яратилган ақлий мулк объект-ларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқларини олиш ва фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси нинг халқаро шартномаларига мувофиқ хорижий юридик шахслар билан илмий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ҳамда ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошириш; юридик шахсни барпо этмасдан алоҳида бўлинмалар (филиаллар ва ваколатхоналар) ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига, Марказ фаолиятининг мақсад ва вазифаларига зид бўлмаган бошқа турдаги ишларни амалга ошириш.

10. Марказнинг бурчлари қўйидагилардан иборат:

соҳа бўйича юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга мухтоҷ беморларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш сифати ҳамда стандартларини замонавий жаҳон талаблари даражасида сақлаш ва ривожлантиришни тъминлаш;

тасдиқланган тарифлар бўйича аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

имтиёзли тоифадаги беморларга поликлиникаларнинг мавжуд ўрин фонди ва қабул қилиш кувватининг 20 фоизига қадар ҳажмда юқори малакали ихтисослаштирилган бепул ёрдам кўрсатиш;

Марказ ходимларини тегишли соҳадаги етакчи хорижий клиникаларда тор ихтисослар бўйича мунтазам суратда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

Марказ ходимларига меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг қонунчиликда кўзда тутилган шарт-шароитларини, хавфсизлик техникасини тъминлаш, ижтимоий тъминот ва аниқ ижтимоий муҳофазани кафолатлаш;

Марказнинг моддий-техника базасини ўз маблағлари ҳисобига замонавий тиббий техника ва технологиялар билан мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш;

мулқдан мақсадли фойдаланиш, унинг сақланишини тъминлаш;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ бухгалтерия ҳамда статистика ҳисоб-китоби ва ҳисоботини юритиш.

11. Марказ директори, шунингдек даҳлдор ходимлар Марказ ходимларининг айби билан инсон соғлигига зиён етказилган ёки нобуд бўлган ҳоллар учун тўла моддий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

IV. Марказнинг мулки ва устав жамғармаси

12. Давлат номидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги ҳамда Марказнинг меҳнат жамоаси Марказ муассислари ҳисобланадилар, Марказ Кенгаши унинг манфаатларини ифода этади.

13. Марказнинг устав жамғармаси қўйидаги манбалар ҳисобига шаклланади: асосий воситалар (тиббиёт муассасасининг бинолари ва иншоотлари, тиббий ускуналар, асбоблар ва анжомлар ҳамда бошқалар) ҳолидаги давлат мулки ва оборотдан ташкари активлар;

инвестиция мақсадларига ажратиладиган давлат бюджети маблағлари;

тиббий хизматлар, ишлар ва маҳсулотларни сотишдан олинадиган, моддий-техника базасини ривожлантиришга ҳамда тиббий ускуналар ва технологияларни сотиб олишга сарфланадиган даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган бошқа манбалар.

14. Марказнинг устав жамғармасига топшириладиган давлат мулкининг қиймати Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан Марказ таъсис этилган пайтда белгиланади.

Давлат мулки Марказга ишончли бошқарув ҳуқуқи билан Марказ мақсадлари ва вазифаларига қатъий мувофиқ равишда фойдаланиш учун топширилади.

15. Марказнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва замонавий тиббий ускуналар сотиб олишга йўналтириладиган даромадлари меҳнат жамоасининг улуши сифатида устав жамғармасига қўшилади.

Меҳнат жамоасининг Марказ устав жамғармасидаги улуши жамоа мулки хисобланади ва у ажралмасдир.

16. Марказнинг устав жамғармасига топширилган давлат мулки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карорига биноан имтиёзли шартлар билан унинг меҳнат жамоасига мулк сифатида сотилиши мумкин.

17. Марказ юридик шахс сифатида ўзи жойлашган ер майдонига Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва бошқа конун хужжатларига мувофиқ доимий эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқи билан эгалик қиласди.

18. Марказнинг давлат эгалигидаги мулки Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан келишилган ҳолдагина гаровга қўйилиши, айирбошланиши ёки сотилиши мумкин.

19. Марказга ишончли бошқарув ҳуқуқи билан бириктирилган мулкдан мақсадга мувофиқ фойдаланилиши ва унинг сақланиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси конунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади.

V. Марказ тузилмаси ва уни бошқариш

20. Марказ Кенгаши Марказнинг юкори бошқарув органи хисобланади.

Марказ Кенгаши Марказ директоридан, Марказнинг етакчи тиббиёт ва илмий ходимларидан таркиб топган 7 кишидан иборат бўлади. Марказ Кенгашининг ишида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлигидан вакил қилинган шахслар иштирок этадилар.

Марказ Кенгаши тўғрисидаги низом ва унинг шахсий таркиби Марказ меҳнат жамоаси умумий йиғилишининг карори билан тасдиқланади.

Марказ директори бир вақтнинг ўзида Марказ Кенгашининг раиси ҳам хисобланади.

21. Кенгашининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

Марказнинг молия-хўжалик ва тиббиёт соҳасидаги фаолиятини бошқариш, шунингдек Марказнинг иш самарадорлигини оширишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш;

ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, Марказ инвестиция ва фан-техника сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш;

йиллик бизнес-режалар ва молиявий хисоботларни тасдиқлаш;
аҳолига кўрсатиладиган пулли тиббий ёрдам турларининг тарифларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

Марказ тузилмасини ҳамда Марказ ичидаги, шунингдек унинг филиаллари ва ваколатхоналари муносабатларини тартибга солувчи норматив хужжатларни тасдиқлаш.

22. Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва озод этиладиган директор Марказнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қиласди.

23. Марказ директори:

ўз фаолиятини Марказ номидан амалга оширади, Марказнинг жорий молия-хўжалик фаолиятига раҳбарлик қиласди, Марказ номидан шартнома ва контрактлар

тузади, Марказнинг жорий фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳал этади;

Марказ Кенгашида тасдиқлаш учун директор ўринбосарлари лавозимига номзодлар бўйича таклифлар киритади ва зарур ҳолларда илмий-услубий ва тиббий Кенгашларни тузади;

Марказ ходимларининг ишини ташкил қиласди ва бошқаради, ўз ваколатлари доирасида Марказ ходимлари бажариши учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, амалдаги қонунчиликка мувофиқ Марказ ходимларини ишга қабул қиласди ва бўшатади;

Марказ фаолияти учун жавобгар бўлади.

Марказ директорининг ўринбосарлари, филиал ва ваколатхоналарининг раҳбарлари Марказ директорининг тақдимномасига биноан Марказ Кенгаши томонидан лавозимга тайинланадилар ва озод қилинадилар.

24. Марказнинг ушбу Низомда белгиланган вазифалари амалга оширилишини таъминлайдиган асосий функционал таркиби бўлинмалари қўйидагилардан иборат: қабул қилиш бўлими; госпитал бўлими; даволаш-ташхис қўйиш, патологоанатомия, лаборатория, шунингдек маъмурӣ-хўжалик ва техник хизматлар; илмий-тадқиқот қисми ва бошқалар.

25. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ташкил этиладиган филиаллар ҳамда ваколатхоналар белгиланган тартибда Марказнинг ташкилий тузилмасига кириши мумкин.

Филиаллар ҳамда ваколатхоналар юридик шахс ҳисобланмайди ва улар ўзи тўғрисидаги низомга мувофиқ фаолият кўрсатади. Филиаллар ва ваколатхоналар тўғрисидаги низомлар ҳамда уларга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар амалдаги қонунчиликда ва ушбу Низомда белгиланган тартибда Марказ томонидан тасдиқланади.

VI. Марказ фаолиятини молиялаш

26. Марказ фаолияти аралаш тарзда, шу жумладан қўйидагилар ҳисобига молияланади:

Марказнинг ўз даромадлари;
давлат бюджети маблағлари;
грантлар ва хомийларнинг ёрдами;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига зид бўлмаган тартибда жалб этилган бошқа маблағлар.

27. Марказнинг ўз даромадлари қўйидагилар ҳисобига шаклланади:
аҳолига пулли тиббий хизмат кўрсатиш;
унинг илмий ва таълим базасида бошқа тибиёт муассасаларининг соҳа мутахассисларини тайёрлаш;

илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;
Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига тақиқланмаган бошқа манбалар.

28. Давлат бюджети маблағлари қўйидаги мақсадлар учун ажратилади:
имтиёзли тоифадаги беморларга поликлиникаларнинг мавжуд ўрин фонди ва қабул қилиш қувватининг 20 фоизига қадар ҳажмда юкори малакали ихтисослаштирилган бепул ёрдам кўрсатиши учун Марказ харажатларини қоплашга;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури доирасида Марказни замонавий тиббий ускуна ва техника билан жиҳозлашга ҳамда йиллик инвестиция дастурларига;

илмий-тадқикот фаолиятига грантлар тарзida;

тиббий ёрдамнинг айрим мураккаб юқори технологияли (қимматли) турларига белгиланган имтиёзли тарифлар бўйича ахолига тиббий хизмат кўрсатиш сарф-харажатларини қоплашга. Бундай тиббий ёрдам турларининг рўйхати Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Марказ харажатларини давлат бюджети маблағлари хисобидан молиялаш тартиби тиббий хизматнинг мазкур турига бўлган эҳтиёжга қараб «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Марказ билан биргаликда белгиланади.

Бунда:

бюджет маблағлари Марказга ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали моддалар бўйича тақсимланмаган ҳолда алоҳида сатр билан ажратилади;

молиявий таъминот мустаҳкамланиб, ўзини-ўзи молиялаш ва ўзини-ўзи қоплашга эришила борган сари давлат бюджети маблағларидан молиялаш ҳажмини босқичма-босқич камайтириб бориш кўзда тутилади.

29. Марказ ходимлари сони, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш миқдори бажариладиган ишларнинг мураккаблик даражасига, сифати ва ҳажмига қараб Марказ Кенгаши томонидан мустақил белгиланади.

30. Марказ ажратилган бюджет маблағлари ва ўз даромадлари доирасида мустақил равиша:

Марказнинг бизнес-режалари ҳамда даромад ва харажатлар сметасини ишлаб чиқиб, тасдиқлайди;

Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиб, тасдиқлайди;

лавозимлар рўйхатини тасдиқлайди ҳамда Ягона тариф сеткаси бўйича базавий маошлар ва миқдори чеклаб қўйилмайдиган устами ҳақдан келиб чиқсан ҳолда мансаб маошларини белгилайди.

31. Марказ ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган тиббиёт ускуналари ва асбоблари учун 2003 йилнинг 1 мартаидан то 2012 йилнинг 31 декабрига қадар 10 йил муддатга барча турдаги солиқлар ва божхона тўловлари, (божхона расмийлаштируви учун ўйфимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинади, бўшайдиган маблағлар Марказларни ривожлантириш ва жихозлашга мақсадли тарзда йўналтирилади.

32. Марказ хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадларни мустақил равиша тасарруф этади. Марказнинг молия-хўжалик фаолияти натижасида олган фойдаси тегишли мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Марказ ихтиёрида қолади ва белгиланган тартибда кўйидагилар учун фойдаланилади:

Марказнинг моддий-техника базасини янгилаш, замонавийлаштириш ва кенгайтириш, замонавий тиббий техника, асбоб-анжом ва ускуналар сотиб олиш;

устав жамғармасининг меҳнат жамоаси улуши қисмини кўпайтириш;

Марказ ходимларини моддий рағбатлантириш;

айланма жамғармаларни тўлдириш;

Марказ мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш; маҳсулот ва хизматларни реклама қилиш;

Марказ фаолиятини таъминлаш билан боғлик бошқа мақсадлар.

Бунда Марказ мазкур бандда кўрсатилган сарф-харажатларнинг устуворлиги тартибини, йўналишлари ва нисбатларини мустақил равиша белгилайди.

33. Марказ қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия хисоб-китоби ва ҳисботини юритади, зарур смета-молия ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этади, ҳужжатларнинг

асралиши ҳамда келишилган рўйхатга мувофиқ давлат томонидан сақлашга топширилиши учун жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон
Фармонига 2-ИЛОВА

**Республика ихтисослаштирилган марказлари томонидан давлат
бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган
имтиёзли тоифадаги шахслар
РЎЙХАТИ**

1. Болаликдан ногиронлар;
2. Чин етимлар;
3. I ва II гуруҳ ногиронлари;
4. 1941—1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар;
5. Ёшга оид пенсияга чиқсан ишламайдиган шахслар;
6. 1941—1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат жабхасининг қатнашчилари;
7. Чернобиль АЭСи фалокатини тугатишда иштирок этган шахслар жумласига кирувчи ногиронлар;
8. Байналмилалчи-жангчилар;
9. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оиласларга мансуб шахслар.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

30 Австрия Республикаси фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси билан Австрия Республикаси ўртасидаги сиёсий, савдо-иктисодий, илмий-техник ва маданий ҳамкорликни янада фаоллаштириш, ишбилармонлик ва туристик мақсадларда Ўзбекистон Республикасига ташриф буюраётган Австрия Республикаси фуқаролари учун визаларни расмийлаштириш тартиботларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

ишбилармонлик мақсадларида Ўзбекистон Республикасига ташриф буюраётган Австрия Республикаси фуқаролари учун бир йил муддатга кўп марталик визаларни, Ўзбекистон Республикасидаги таклиф қилаётган юридик шахснинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қилишига доир талабни бекор қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасаларида 2 иш кунида расмийлаштирун;

турист сифатида Ўзбекистон Республикасига ташриф буюраётган Австрия Республикаси фуқаролари учун 1 ойгача бўлган муддатга кўп марталик визаларни, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ёки бошқа туристик ташкилотларнинг туристик ваучерларини тақдим этиш зарурлигига доир талабни бекор қилган ҳолда 2 иш кунида расмийлаштирун.

2. Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор вазирлеклари ва идоралари ўз идоравий хужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирунлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 19 февраль,
84-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

31 Италия Республикаси фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси билан Италия Республикаси ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техник ва маданий ҳамкорликни янада фаоллаштириш, ишбилармонлик ва туристик мақсадларда Ўзбекистон Республикасига ташриф буюраётган Италия Республикаси фуқаролари учун визаларни расмийлаштириш тартиботларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

ишбилармонлик мақсадларида Ўзбекистон Республикасига ташриф буюраётган Италия Республикаси фуқаролари учун бир йил муддатга кўп марталик визаларни, Ўзбекистон Республикасига тақлиф қилаётган юридик шахснинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қилишига доир талабни бекор қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасаларида 2 иш кунида расмийлаштирасин;

турист сифатида Ўзбекистон Республикасига ташриф буюраётган Италия Республикаси фуқаролари учун 1 ойгача бўлган муддатга кўп марталик визаларни, «Ўзбектуризм» миллӣй компанияси ёки бошқа туристик ташкилотларнинг туристик ваучерларини тақдим этиш зарурлигига доир талабни бекор қилган ҳолда 2 иш кунида расмийлаштирасин.

2. Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор вазирликлари ва идоралари ўз идоравий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирасинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 19 февраль,
85-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

32 Испания Қироллиги фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси билан Испания Қироллиги ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техник ва маданий ҳамкорликни янада фаоллаштириш, ишбилармонлик ва туристик мақсадларда Ўзбекистон Республикасига ташриф буюраётган Испания Қироллиги фуқаролари учун визаларни расмийлаштириш тартиботларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

ишбилармонлик мақсадларида Ўзбекистон Республикасига ташриф буюраётган Испания Қироллиги фуқаролари учун бир йил муддатга кўп марталик визаларни, Ўзбекистон Республикасидаги таклиф қилаётган юридик шахснинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қилишига доир талабни бекор қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасаларида 2 иш кунида расмийлаштирун;

турист сифатида Ўзбекистон Республикасига ташриф буюраётган Испания Қироллиги фуқаролари учун 1 ойгача бўлган муддатга кўп марталик визаларни, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ёки бошқа туристик ташкилотларнинг туристик ваучерларини тақдим этиш зарурлигига доир талабни бекор қилган ҳолда 2 иш кунида расмийлаштирун.

2. Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор вазирлеклари ва идоралари ўз идоравий хужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирунлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 19 февраль,
86-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

33 Швейцария Конфедерацияси фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси билан Швейцария Конфедерацияси ўртасидаги сиёсий, савдо-иктисодий, илмий-техник ва маданий ҳамкорликни янада фаоллаштириш, ишбилармонлик ва туристик мақсадларда Ўзбекистон Республикасига ташриф буюраётган Австрия Республикаси фуқаролари учун визаларни расмийлаштириш тартиботларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

ишбилармонлик мақсадларида Ўзбекистон Республикасига ташриф буюраётган Швейцария Конфедерацияси фуқаролари учун бир йил муддатга кўп марталик визаларни, Ўзбекистон Республикасидаги таклиф қилаётган юридик шахснинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қилишига доир талабни бекор қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасаларида 2 иш кунида расмийлаштирун;

турист сифатида Ўзбекистон Республикасига ташриф буюраётган Швейцария Конфедерацияси фуқаролари учун 1 ойгача бўлган муддатга кўп марталик визаларни, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ёки бошқа туристик ташкилотларнинг туристик ваучерларини тақдим этиш зарурлигига доир талабни бекор қилган ҳолда 2 иш кунида расмийлаштирун.

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

2. Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор вазирлеклари ва идоралари ўз идоравий хужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсинглар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 19 февраль,
87-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

34 Пахта хом ашёси етиширишда бозор принциплари-ни амалга ошириш ва уни етиширишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Пахта етишириш ва харид қилиш амалиётига бозор принциплари ва механизмларини кенг жорий этиш, пахта етиширувчи ширкатлар ва фермер хўжаликлари-ни рафбатлантиришни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қила-ди:**

1. Белгилансинки, 2003 йил мавсумидан бошлаб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида тузиладиган контрактация шартномалари пахта хом ашёси етишириш ва харид қилиш ҳажмини белгилашнинг негизи ҳисобланади.

Жорий йилга пахта етиширишнинг прогноз ҳажмлари умуман республика ва минтақалар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг тузилган контрактация шартномаларини умумлаштириш асосидаги таклифларига мувофиқ белгиланади.

2. Белгилаб қўйилсанки, етиширилган пахта хом ашёси учун узил-кесил ҳисобитоблар хом ашёдан пахта толаси чиқиши ва унинг сифати ҳамда жаҳон бозорида шаклланаётган пахта толаси нархи конъюнктураси ҳисобга олинган холда пахтани пахта толасига қайта ишлаш натижалари бўйича амалга оширилади.

Пахта хом ашёси етиширувчилар билан жорий ҳисоб-китоблар жаҳон пахта бозоридаги конъюнктурадан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган ягона харид нархлари асосида амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Иктисадиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Кишлек ва сув хўжалиги вазирлиги Ташқи иктисадий алоқалар агентлиги, «Ўзпахтасноат» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор идоралар ва тузилмалар билан биргаликда бир ой муддатда янги низомни ишлаб чиқсинглар ва белгиланган тартибда тасдиқласинглар, унда пахта етиширишнинг прогноз ҳажмларини, пахта хом ашёсига харид нархларини ва пахта толасига улгуржи нархларни, пахта етиширишни қўпайтириш юзасидан ширкатлар ва фермер хўжаликларини рафбатлантиришнинг амалий механизми жо-

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

рий этилишини таъминлайдиган пахта етиштирувчи хўжаликларни маблағ билан таъминлаш тизимини белгилаш механизми белгилансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда бир ҳафта муддатда контрактация шартномалари тузиш якунларини умумлаштирсинглар ва Вазирлар Маҳкамасига 2003 йилда пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида таклифлар киритсинглар. Бунда аниқ минтақаларнинг ер-сув ресурслари холати ҳисобга олинган ҳолда чигитнинг районлаштирилган ва истиқболли навларини оқилона жойлаштириш назарда тутилсин.

5. 2003 йилда:

давлат эҳтиёжлари учун пахта толаси харид қилиш ҳажми пахта толасини амалда ишлаб чиқариш ҳажмининг 50 фоизи даражасида;

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 31 марта даги 421-сон, 2001 йил 2 майдаги 201-сон ва 2001 йил 26 ноябрдаги 461-сон қарорларига мувофиқ Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Осиё тараққиёт банки иштирокида лойиҳалар амалга оширилаётган туманлар ва қишлоқ хўжалиги корхоналари учун пахта толаси харид қилишнинг белгиланган тартиби ва принциплари;

пахта хом ашёси учун унинг сифат кўрсаткичлари ҳисобга олинган ҳолда ҳисобкитоб қилиш тартиби ва селекция навлари учун харид нархларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 26 декабрдаги 501-сон қарори билан тасдиқланган тузатиш коэффициентлари сақлаб қолинсин.

6. Пахта хом ашёси етиштиришни кўпайтириш учун пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва фермер хўжаликларини рафбатлантириш мақсадида белгиланган прогноз ҳажмлардан ортиқча етиштирилган пахта хом ашёси учун жорий ҳисоб-китоб ягона харид нархларидан 20 фоиз ортиқ бўлган нархлар бўйича амалга оширилиши белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси билан биргаликда кўрсатиб ўтилган харажатларни қоплаш учун бюджетдан ташқари, но давлат манбаларни қидириб топсин.

7. Белгилансинки, пахта етиштирувчи хўжаликлар томонидан амалда сотилган пахтадан ишлаб чиқарилган ўсимлик мойининг 50 фоизи ва кунжара ва пахта шулхасининг 70 фоизи улар ихтиёрида қолади.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси билан биргаликда 2003 йил хосилига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта нархини шакллантириш механизми тўғрисида» 2002 йил 20 августдаги ПФ-3114-сон Фармонига катъий мувофиқ белгиландиган пахта хом ашёсига харид нархларини ҳисобга олган ҳолда аванс берсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Х. Жўрабеков ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С. Юсупов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 19 февраль,
93-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

36 Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

[Кўчирма]

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни самарали ташкил этиш, муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларини моддий рафбатлантиришни кучайтириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилиш нуфузини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. 2003 йил баҳорги чақирувдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли бўлган ҳамда чақирилиш муддатини кечикириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олинадилар. Кўрсатиб ўтилган шахслар йигирма етти ёшгача сафарбарлик чақируви резерви хизматида бўладилар ва уни ўтагандан кейин Қуролли Кучларнинг иккинчи тоифали резервига ўтказиладилар;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган микдорда пул бадалларини тўлаши ва хизмат даврида бир марта бир ойлик ҳарбий йигинда хизматни ўташи сафарбарлик чақируви резервиде хизмат қилиш шарти ҳисобланади;

сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахслар томонидан тўланадиган маблағлар Молия вазирлигининг очиладиган «Сафарбарлик чақируви резерви маблағлари» маҳсус ҳисоб рақамида (кейинги ўринларда матнда «Маҳсус ҳисоб рақами» деб юритилади) жамланади ҳамда мақсадли равишда муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларининг пул таъминотини оширишга ва уларнинг яшаш шароитларини яхшилашга, шунингдек сафарбарлик чақируви резерви сафига олинган шахслар билан ҳарбий йигинлар ўтказишга ўйналирилади;

сафарбарлик чақируви резерви сафига олинадиган фуқаролар томонидан Maҳsus ҳисоб рақамига пул бадаллари ўтказиш шартлари Қуролли Кучларда ҳарбий хизматга навбатдаги чақириқ даврида улар томонидан Мудофаа вазирлиги билан тузиладиган шартномада белгиланади;

сафарбарлик чақируви резерви сафига олинган шахслар томонидан пул бадаллари хизматга олингандан кейин бир йил мобайннида Давлат-тижорат Халқ банки муассасалари орқали тўланади. Томонларнинг келишувига кўра тўлов тўлиқ ҳажмда бир йўла ёхуд боскичма-боскич амалга оширилиши мумкин;

сафарбарлик чақируви резерви сафига олинган шахсларнинг ҳарбий йигинлари ҳудудий принцип асосида Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисмлари базасида ташкил этилади;

Maҳsus ҳисоб рақамига белгиланган бадални тўлаган ва ҳарбий йигинлардан ўтган шахслар муддатли ҳарбий хизматга чақирилишдан озод қилинадилар.

3. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервиде хизматни ўташи тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Молия вазирлигининг «Сафарбарлик чақируви резерви маблағлари» маҳсус хисоб рақами тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Молия вазирлигининг «Сафарбарлик чақируви резерви маблағлари» маҳсус хисоб рақамига бадал ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий шартнома 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан;

4. Молия вазирлиги (М.Б. Нурмуродов):

бир ой муддатда Молия вазирлигининг «Сафарбарлик чақируви резерви маблағлари» маҳсус хисоб рақамини очсин, маблағларни мазкур хисоб рақамида жамлаш ва улардан самарали фойдаланишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва уларнинг амалга оширилишини таъминласин;

2003 йил 1 апрелгача Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Миллий хавфсизлик хизмати ва муддатли ҳарбий хизмат назарда тутилган бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уларга хизмат кўрсатувчи банкларда Маҳсус хисоб рақами маблағларидан мақсадли фойдаланиш учун зарур бўлган талаб қилиб олинадиган иккиласи депозит хисоб рақамлари очсин;

2003 йил 1 июнгача Маҳсус хисоб рақами маблағларидан фойдаланиш тўғрисида таклифлар киритсан, уларда муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларининг пул таъминотини ва жорий таъминотини ошириш чора-тадбирларини назарда тутсин. Ҳар йили 15 декабргача муддатли ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар ва идораларнинг буюртманомаларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасига Маҳсус хисоб рақами маблағларидан фойдаланиш бўйича таклифлар киритсан;

Маҳсус хисоб рақами маблағларидан фойдаланилиши устидан назоратни таъминласин.

5. Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғ. Фуломов):

муддатли ҳарбий хизматга чакириладиган ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинадиган чакирилувчилар тоифалари аниқлаштирилишини ҳамда уларнинг рўйхати тузилишини 2003 йил 25 марта таъминласин;

муддатли ҳарбий хизматга тест синовлари ва профессионал танловнинг замонавий усулларидан фойдаланган ҳолда жисмоний ва ақлий жиҳатдан энг яхши тайёргарлик кўрган чакирилувчилар танлаб олинишини таъминласин;

2003 йил 1 апрелгача Қуролли Кучларга баҳорги чакирик даврида сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинадиган шахслар билан шартномаларни тайёрлаш ва тузишга доир комплекс ташкилий-техник чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ҳамда уларнинг амалга оширилиши назорат қилинишини таъминласин;

6. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Миллий хавфсизлик хизмати ва муддатли ҳарбий хизмат назарда тутилган бошқа вазирликлар ва идоралар Маҳсус хисоб рақамига тушган пул маблағларидан муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари таъминотини яхшилаш, уларни буюмлар билан таъминлаш, қўшилмалар ва қисмларни спорт анжомлари ва тренажёrlар, замонавий компьютер техникаси, ўкув материаллари, кутубхона фонди билан жиҳозлаш учун мақсадли фойдаланилишини таъминласинлар.

7. Белгилаб қўйилсинки, Молия вазирлигининг «Сафарбарлик чақируви резерви маблағлари» маҳсус хисоб рақамида жамланадиган маблағлар солиқ солишининг барча турларидан озод қилинади.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти хузу-

ридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг котиби Ф.Д. Обляров зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 22 февраль,
99-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 22 февралдаги 99-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервиде хизматни ўташи тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервиде хизматни ўташини ташкил этиш ва ўташ тартибини белгилайди.

2. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат — муддатли ҳарбий хизматни ўташга ярокли бўлган, чақирилиш муддатини кечикириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ навбатдаги чақириқ давомида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига чақирилмайдиган шахслар томонидан ўтадиган ҳарбий хизмат туридир.

Фуқароларнинг пул бадали тўлашлари, шунингдек хизмат мобайнида ойлик ҳарбий йиғинлардан ўтишлари фуқаролар томонидан сафарбарлик чақируви резервиде хизматни ўташ шартлари ҳисобланади. Агар навбатдаги тўловни тўлаш пайтида тасдиқланган энг кам ойлик иш ҳақи микдори ўзгарса, у холда бадалнинг колган қисми энг кам ойлик иш ҳақининг янгидан белгиланган микдоридан келиб чиқиб ҳисобланади.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахслар томонидан тўланган пул бадаллари суммаси Молия вазирлигининг «Сафарбарлик чақируви резерви маблағлари» маҳсус ҳисоб рақамига (кейинги ўринларда матнда «Маҳсус ҳисоб рақами» деб юритилади) жамланади ва муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг пул ва моддий таъминотини ошириш, шунингдек сафарбарлик чақируви резервидага хизмат сафига олинган шахсларнинг ҳарбий йиғинларни ўтказишга аниқ мақсадли ўналтирилади.

Молия вазирлигининг маҳсус ҳисоб рақами Марказий банкнинг Тошкент шахар бош бошқармаси ҳисоб-китоб-касса марказида очилади.

Фуқаролар сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига йигирма етти ёшга тўлгунга қадар олинадилар. Улар сафарбарлик чақируви резервиде хизматни ўташ даврида ойлик ҳарбий йиғинларни ўташга жалб этилишлари, шунингдек фавқулодда вазиятлар ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз рўй берган тақдирда ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилишлари мумкин. Ҳарбий йиғинлар Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисмлари базасида (кейинги ўринларда матнда «ҳарбий қисмлар» деб юритилади) ҳудудий принцип бўйича ташкил этилади.

Белгиланган тартибда пул бадалини тўлаган ва сафарбарлик чақируви резер-

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

вида бўлган даврда ойлик йигинлардан ўтган фуқаролар муддатли ҳарбий хизматга чақирилишдан озод этиладилар.

Сафарбарлик чақируви резервиде хизматни ўтаган шахслар йигирма етти ёшга тўлганларидан кейин Қуролли Кучларнинг иккинчи тоифали резервига ўтказиладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан сафарбарлик чақируви резервиде хизматни ўташ қонун ҳужжатларига, шунингдек мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

II. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олиш ва уни ўташ тартиби

4. Туман (шахар) чақирув комиссияси фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш бўйича белгиланган наряд бажарилгандан кейин жисмоний ва ақлий жиҳатдан энг яхши тайёрланган чақириувчиларни танлаш ўйли билан қолган чақириувчиларни сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

5. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган фуқаролар билан якка тартибда сухбат ўтказилгандан кейин Мудофаа вазирлиги томонидан Махсус хисоб рақамига бадал ўтказиш тартиби тўғрисида ёзма шартнома тузилади.

Шартнома шартлари:

Махсус хисоб рақамига бадаллар тўлаш муддатлари, микдори ва тартибини; сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинадиган шахсларнинг бутун хизмат даври мобайнода қонун ҳужжатларида белгиланган мажбуриятларни вижданан бажариш мажбуриятини;

Мудофаа вазирлигининг қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқарога сафарбарлик чақируви резервиде хизматни ўташини, хизмат тамом бўлгандан кейин эса уни Қуролли Кучлар резерви таркибига ўтказишни таъминлаш мажбуриятини;

учинчи шахс (кафил) томонидан сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахс томонидан тегишли молиявий мажбуриятлар зарур тарзда бажарилиши кафолатини;

шартномани тўхтатиши шартларини назарда тутади.

Шартномада кўйидагилар кўрсатилади: сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахснинг ва унинг кафилининг фамилияси, исми, отасининг исми, уларнинг паспортига оид маълумотлар; Мудофаа вазирлиги номидан шартномани имзолаган мудофаа ишлари бўлими бошлигининг ҳарбий унвони, фамилияси ҳамда исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари; шартнома имзоланган сана.

Шартнома Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган муддатли ҳарбий хизматга фуқароларни навбатдаги чақириш муддати давомида мудофаа ишлари бўлими бошлифи, сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахс ва кафил томонидан имзоланиши ҳамда мудофаа ишлари бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилган ва муҳрланган бўлиши керак.

6. Туман (шахар) мудофаа ишлари бўлими томонидан сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган фуқароларнинг рўйхати тузилади. Рўйхатнинг биринчи нусхаси унга илова қилинган шартномалар билан биргаликда мудофаа ишлари бўлимида сакланади. Рўйхатнинг иккинчи нусхаси вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шахар) мудофаа ишлари бошқармаларига юборилади.

7. Махсус хисоб рақамига пул маблағлари сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахс ёки унинг кафили (юридик ва жисмоний шахс) томонидан Давлат-тижорат Халқ банкининг филиал тармоғи орқали тўланади.

Бюджет маблағлари ҳисобига пул бадали тўлаш қатъиян тақиқланади.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахслар томонидан пул бадаллари тўлаш хизматга олингандан кейин бир йил мобайнида тўланади. Томонларнинг келишувига кўра тўлов шартномада белгиланган муддат мобайнида тўлиқ ҳажмда бир йўла ёхуд босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин.

Пул бадали тўланганлиги тўғрисида Халқ банки филиалининг белгиси қўйилган квитанция нусхасини (агар бадал нақд пулсиз ўтказиш йўли билан тўланса электрон тўлов кўчирмаси) сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахс уни шахсий ҳисобга қўйиш учун туман (шахар) мудофаа ишлари бўлимiga тақдим этади. Квитанция мудофаа ишлари бўлимида имзоланган шартномада иловава сифатида сақланади.

8. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ даврида фуқаролар йиғирма етти ёшгача мудофаа ишлари бўлимида алоҳида ҳарбий ҳисобда турадилар.

Пул бадалини тўлиқ миқдорда тўлаган шахсларга сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган кундан бошлаб ўн икки ой ўтгандан кейин уларнинг сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматда бўлганликлари тўғрисида белги қўйилган ҳарбий гувоҳномалар берилади.

9. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаётган шахс кейинчалик тинч даврда ҳарбий хизматга яроқсиз ёки уруш даврида чекланган даражада яроқли деб топилган тақдирда у захирага ўтказилиши керак, у томонидан пул бадаллари тўлаш эса тўхтатилади.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахс томонидан маҳсус ҳисоб рақамига тўланган сумма қайтарилмайди.

10. Сафарбарлик чақируви резервида хизматни ўтаган ва яаш жойини ўзгартирган фуқаролар «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ҳисобга қўйилади ва ундан чиқарилади. Бунда пул бадалининг қолган қисмини тўлаш унинг томонидан янги яаш жойи бўйича белгиланган тартибда амалга оширилади.

Сафарбарлик чақируви резервида хизматни ўтаётган фуқаролар доимий яаш учун чет элга кетган тақдирда, факат маҳсус ҳисоб рақамига пул бадалининг тўлиқ суммаси тўлангандан кейин ҳарбий ҳисобдан чиқариладилар.

11. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига хизматга олинган, ҳарбий-ҳисобга олиш бўйича турдош мутахассисликка эга бўлган, маҳсус ҳисоб рақамига пул бадалини тўлиқ ҳажмда тўлаган ва ойлик ўйғинлардан ўтган шахслар контракт бўйича ҳарбий хизматга ихтиёрий тартибда қабул қилиниши, шунингдек Мудофаа вазирлигининг сержантлар тайёрлаш мактабига ўқишига юборилиши мумкин.

12. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан чақириувчилар билан Мудофаа вазирлиги ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда, бундай келишмовчиликлар қонунга мувофиқ суд тартибида қўриб чиқилади ва ҳал этилади.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахс томонидан пул бадали тўлиқ ҳажмда тўланмаган ёки унинг бир қисми тўланмаган тақдирда, шартнома шартларига мувофиқ, тўланмаган сумма (муддатида тўланмаган қисми) фуқародан суд тартибида ундириб олинади.

Бадалнинг тўлиқ суммаси шартномада белгиланган муддатда тўланмагандан ёки белгиланган тўлов олти ойдан ортиқ муддатга кечикирилганда фуқаро муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши мумкин. Бунда унинг томонидан бадал суммасининг тўланган қисми қайтарилмайди.

Шартнома тузишдан бош тортилган тақдирда маҳсус ҳисоб рақамига тўланиши керак бўлган пул бадаллари қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирилади.

III. Сафарбарлик чақируви резервида ҳарбий тайёргарлик

13. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган ва белгиланган бадални Молия вазирлигининг маҳсус ҳисоб рақамига тўлиқ ҳажмда тўлаган шахслар ойлик ўқув йигинларига жалб этилиши мумкин.

14. Йигинларга жалб этиладиган шахсларни танлаш туман чақирув комиссиялари томонидан амалга оширилади. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахсларнинг соғлиги, жисмоний тайёргарлиги, маълумоти даражаси ва уларнинг мутахассислиги, кўшинларнинг тегишли ҳарбий-ҳисобга олиш мутахассисликларига бўлган эҳтиёжи ҳисобга олинади.

15. Сафарбарлик чақирувчи резервидаги хизмат сафига олинган шахсларнинг ҳарбий йигинлари ишлаб чиқаришдан ажратилган ҳолда ва фуқароларнинг тегишли қўшилмалар ва қисмларнинг ҳарбий шаҳарчаларда яشاши шарти билан Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисмлари кадрлари бўлинмалари негизида ташкил этилади.

16. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахсларнинг ҳарбий йигинлари Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Бирлашган штаби бошлиғи томонидан тасдиқланадиган сафарбарлик чақируви резервида ҳарбий тайёргарлик дастурига мувофиқ амалга оширилади.

17. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахсларнинг ҳарбий тайёргарлиги Мудофаа вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган ҳарбий тайёргарликнни ўтказишнинг йиллик режаларига мувофиқ ташкил этилади.

Сафарбарлик чақируви резервида ҳарбий тайёргарликни ўтказиш режаларида:

Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича жорий йилда йигинлардан ўтиши керак бўлган фуқароларнинг умумий сони;

ҳарбий тайёргарликка юборилаётган фуқароларнинг сони, йигинларни ўтказиш муддатлари, шунингдек йигинларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлик бошқа тадбирлар кўрсатилган ҳолда негизида ҳарбий йигинлар ташкил этадиган ҳарбий қисмлар белгиланади.

Ҳарбий тайёргарликнни ўтказиш режаси Мудофаа вазирининг кўрсатмаси билан амалга жорий этилади. Режадан кўчирмалар ижро этиш учун ҳарбий округларга, мудофаа ишлари бошқармаларига юборилади.

18. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахсларни ҳарбий тайёргарлик ўтказиладиган жойларга жўнатиш командалар таркибида ва ҳарбий тайёргарликнни ўтказиш режасида белгиланган муддатларда мудофаа ишлари бошқармаларининг йиғиши пунктларида амалга оширилади.

19. Йигинлардан ўтиш даврида фуқароларга муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари учун қонун ҳужжатларидан назарда тутилган ижтимоий кафолатлар жорий этилади.

20. Ҳарбий қисм командиригининг буйруғи билан фуқаро ўзгарувчан таркиб рўйхатига олинган кун ҳарбий йигинлар бошланган кун, ҳарбий қисм командиригининг буйруғи билан фуқаро қисмнинг ўзгарувчан таркиби рўйхатидан чиқарилган кун ҳарбий йигинлар тамом бўлган кун деб ҳисобланади.

**IV. Мудофаа вазирлиги ва ҳарбий бошқарув органларининг
сафарбарлик чакируви резервидаги хизматни ташкил этиш бўйича
функциялари**

21. Сафарбарлик чакируви резервидаги хизматни ташкил этишга умумий раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги амалга оширади. Унга:

фуқароларни сафарбарлик чакируви резервидаги хизмат сафига олиш бўйича фаолиятни ва фуқароларнинг ҳарбий тайёргарлигини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

фуқароларни сафарбарлик чакируви резервидаги хизмат сафига олиш ва у тамом бўлгандан кейин Қуролли Кучлар захирасига ўтказишнинг самарали тизимини барпо этиш;

сафарбарлик чакируви резервидаги хизмат сафига олинган шахслар томонидан пул бадалларининг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини, шунингдек Мудофаа вазирлигининг талаб қилиб олинадиган иккиламчи депозит хисоб ракамига тушган пул маблағларидан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш;

Мудофаа вазирлигининг сафарбарлик чакируви резервидаги хизмат сафига олишни амалга оширадиган таркибий бўлинмаларини тайёргарлик кўрган ҳарбий хизматчилар билан бутлаш, сафарбарлик чакируви резервидаги хизмат сафига олинган фуқароларни хисобга олиш ва уларнинг ҳарбий тайёргарлиги юкланади.

22. Ҳарбий округларнинг қўмондонликларига:

фуқароларнинг сафарбарлик чакируви резервидаги хизмат сафига ўз вақтида олиниши, маҳсус хисоб ракамига пул маблағлари тушишини назорат қилиш;

сафарбарлик чакируви резервидаги хизмат сафига олинган шахсларнинг ҳарбий тайёргарлигига бевосита раҳбарлик қилиш, унинг ташкил этилиши ва ўтказилишини назорат қилиш, сафарбарлик чакируви резервидаги хизмат сафига олинган шахслар ҳарбий тайёргарлигининг ўқув моддий-техника базасини барпо этиш;

Маҳсус хисоб ракамига тушган маблағларни белгиланган тартибда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш юкланади.

23. Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар мудофаа ишлари бошқармаларига:

фуқароларни сафарбарлик чакируви резервидаги хизмат сафига олиш ишларини ташкил этиш;

сафарбарлик чакируви резервидаги хизмат сафига олинган шахслар ҳарбий хисобга олинишини назорат қилиш;

ҳарбий округларга пул бадаллари ва ҳарбий йигинлардан ўтган фуқароларнинг сони тўғрисида ҳар ойлик йифма хисботлар тақдим этиш;

сафарбарлик чакируви резервидаги хизмат сафига олинган фуқароларни хисобга олишни ва ҳарбий йигинларга жўнатишини, йигинлар тамом бўлгандан кейин эса — йиғиши пунктигача қайтариб олиб келишни ташкил этиш юкланади.

24. Фуқароларни сафарбарлик чакируви резервидаги хизмат сафига олиш тумнлар (шаҳарлар) мудофаа ишлари бўлимлари томонидан амалга оширилади, бўлимларга:

ёшлар орасида сафарбарлик чакируви резервидаги хизматнинг хусусиятлари ва ўзига хос жиҳатлари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориши;

сафарбарлик чакируви резервидаги хизмат сафига олинадиган фуқаролар билан шартномалар тузиш, бадаллар тушуми суммаларини Давлат-тижорат Ҳалқ банки бўлимлари билан ҳар ойда таққослаш;

сафарбарлик чакируви резервидаги хизмат сафига олинган шахсларнинг шахсий хисобини юритиш;

сафарбарлик чақириви резервидаги хизмат сафига олинган ва ҳарбий тайёргарлик йиғинларига жалб этиладиган шахсларни йиғиш пунктларига жўнатиш;

сафарбарлик чақириви резервидаги хизмат сафига олинган шахслар томонидан пул бадаллари ўз вактида тўланишини назорат қилиш, тўловлар белгиланган муддатларда тўланмаган тақдирда эса — тўловларнинг қонун хужжатларида белгиланган тартибда талаб қилиб олиниши чора-тадбирларини кўриш;

мудофаа ишлари бошқармасига фукаролар томонидан Махсус ҳисоб рақамига пул маблағлари тўланиши ва ҳарбий йиғинлардан ўтганлар сони тўғрисида хар ойлик ҳисоботлар тақдим эиш;

мудофаа ишлари бошқармасига сафарбарлик чақириви резервидаги хизматни тамомлаган шахслар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш юкланди.

V. Якуний қоидалар

25. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари томонидан тегишли йўрикномаларни, сафарбарлик чақириви резервидаги хизматни ташкил этиш тартибини тартибга солувчи бошқа норматив хужжатларни қабул қилиш учун асос ҳисобланади.

Вазирлар Мажкамасининг
2003 йил 22 февралдаги 99-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Сафарбарлик чақириви резерви маблағлари» махсус ҳисоб рақами тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Сафарбарлик чақириви резерви маблағлари» махсус ҳисоб рақами (кейинги ўринларда Махсус ҳисоб рақами деб аталади) маблағлари ни шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

II. Махсус ҳисоб рақамида маблағларни шакллантириш манбалари ва жамлаш тартиби

2. Махсус ҳисоб рақами маблағлари сафарбарлик чақириви резервидаги хизмат сафига олинган шахслар тўлайдиган пул бадаллари ҳисобига шакллантирилади.

3. Пул бадали микдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси томонидан белгиланади.

4. Сафарбарлик чақириви резервидаги хизмат сафига олинган шахслар тўлайдиган пул бадаллари маблағларини жамлаш учун 21512 «Сафарбарлик чақириви резерви маблағлари» ягона оралиқ ҳисоб рақамлари очилади:

туман (шахар) мудофаа ишлари бўлимига — Халқ банкининг тегишли туман (шахар) филиалида 21512 «Сафарбарлик чақириви резерви маблағлари» транзит ҳисоб рақами (кейинги ўринларда туман (шахар) транзит ҳисоб рақами деб аталади) очилади;

Молия вазирлигига — Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси хисоб-китоб-касса марказида — 21512 «Сафарбарлик чақириви резерви маблағлари» талаб қилиб олинадиган хисоб рақами очилади.

5. Тегишли туман транзит хисоб рақамларига пул маблағлари сафарбарлик чақириви резервидаги хизмат сафига олинган шахслар ёки уларнинг кафиллари томонидан (юридик шахслардан ташқари) фақат Давлат-тижорат Халқ банкининг филиаллари орқали, мудофаа ишлари бўлимлари томонидан ёзиладиган, юқорида кўрсатиб ўтилган транзит хисоб рақамлари реквизитлари қўйилган квитанциялар бланкалари асосида ўтказилади.

Бадаллар бошқа туманлар (шаҳарлар)нинг халқ банклари туман (шаҳар) филиаллари орқали тўланган тақдирда Халқ банкининг ушбу филиаллари тушган маблағларни кейинги иш кунидан кечикмай сафарбарлик чақириви резервидаги хизмат сафига олинган шахснинг яшаш жойидаги Халқ банки филиалларида очилган мудофаа ишлари тегишли бўлимларининг транзит хисоб рақамларига кўрсатиб ўтилган реквизитларга мувофиқ ўтказадилар.

Сафарбарлик чақириви резервидаги хизмат сафига олинган фуқароларнинг юридик шахслар хисобланадиган кафиллари пул бадалларини ўзининг хизмат кўрсатувчи банклари орқали тўлов топшириқномалари билан тегишли туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимларининг транзит хисоб рақамларига тўлайдилар.

6. Пул бадалини сафарбарлик чақириви резервидаги хизмат сафига олинган шахсларнинг кафиллари томонидан бюджет маблағлари хисобига ўтказиш (тўлаш) қатъян тақиқланади.

7. Халқ банкининг туман (шаҳар) филиаллари тўланган бадаллар суммасини Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси хисоб-китоб-касса марказида ги 21512 «Сафарбарлик чақириви резерви маблағлари» талаб қилиб олинадиган маҳсус (депозит) хисоб рақамига кейинги иш кунидан кечикмай ўтказишиади.

III. Маҳсус хисоб рақамига маблағлар тушиши ҳисоби ва ҳисботи

8. Халқ банкининг мудофаа ишлари тегишли бўлимларига хизмат кўрсатувчи туман (шаҳар) филиаллари транзит хисоб рақами бўйича операциялар тугаллангандан сўнг кейинги иш кунида уларга белгиланган тартибда кўчирмалар тақдим этишади.

9. Туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари банк кўчирмаларига мувофиқ тушган бадаллар суммасини сафарбарлик чақириви резервидаги хизмат сафига олинган шахсларнинг шахсий хисоб рақамларида акс эттирилган сумма билан бадал тўланганлиги тўғрисида улар томонидан тақдим этилган квитанциялар нусхалари асосида таққослайдилар.

Туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими пул маблағлари тушиши тўғрисида Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган шакл бўйича ҳар ойлик ҳисбот тузади ва Халқ банкининг туман (шаҳар) филиали билан келишилгандан кейин уни ҳисбот даври тугагандан сўнг 3 иш куни мобайнида мудофаа ишларининг тегишли бошқармаларига тақдим этади.

10. Мудофаа ишлари бошқармаси мудофаа ишлари бўлимларининг ҳар ойлик ҳисботларини умумлаштиради ва Халқ банкининг вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар) бошқармаси билан келишилгандан кейин ҳисбот даври тугагандан сўнг беш иш кунидан кечикмай Мудофаа вазирлигига йиғма ҳисбот тақдим этади.

11. Мудофаа вазирлиги мудофаа ишлари бошқармаларининг ҳар ойлик ҳисботларини умумлаштиради ва Республика Давлат-тижорат Халқ банки билан кели-

шилгандан кейин ҳисобот даври тугагандан сўнг ўн иш кунидан кечикмай Молия вазирлигига йиғма ҳисобот тақдим этади.

IV. Махсус ҳисоб рақами маблағларидан фойдаланиш тартиби

12. Махсус ҳисоб рақами маблағларидан муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиликнинг пул таъминотини оширишда ва уларнинг таъминот шароитларини яхшилашда, шунингдек сафарбарлик чакируви резервидаги хизмат сафиға олинган фуқароларнинг ҳарбий тайёргарлигини ўтказишда тасдиқланган харажатлар сметаларига (йиғма ҳамда тегишли вазирликлар ва идоралар бўйича) мувофиқ фойдаланилади.

Ҳар бир идора бўйича харажатлар сметалари раҳбарлар томонидан тасдиқланади ва белгиланган тартибда Молия вазирлигига рўйхатдан ўтказилади.

13. Молия вазирлиги ҳар йили 15 декабргача, Махсус ҳисоб рақамига пул бадали тушумларидан келиб чиқсан холда, Вазирлар Маҳкамасига маблағлардан фойдаланиш бўйича тегишли ҳисоб-китоблар ва асослашлар билан бирга таклифлар киритади.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан Махсус ҳисоб рақами маблағларидан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин Молия вазирлиги харажатлар сметаларини ишлаб чиқишин учун назорат рақамларини Мудофаа вазирлигига, Ички ишлар вазирлигига, Давлат чегараларини кўрикловчи қўмитага, Миллий хавфсизлик хизматига ҳамда муддатли ҳарбий хизмат назарда тутилган бошқа вазирликлар ва идораларга етказади.

14. Махсус ҳисоб рақамидан вазирликларга, давлат қўмиталарига ва муддатли ҳарбий хизмат назарда тутилган идораларга, ҳарбий округларга, ҳарбий қисмларга ва муассасаларга тушган маблағларнинг сарфланишини ҳисобга олиш учун уларга хизмат кўрсатувчи банкларда:

21506 — агар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг худудий бош бошқармалари ҳисоб-китоб-касса марказларида хизмат кўрсатилса;

20203 — агар тијкорат банкларида хизмат кўрсатилса талаб қилиб олинадиган иккимчидепозит ҳисоб рақамлари очилади.

15. Вазирликларда, давлат қўмиталарида ва муддатли ҳарбий хизмат назарда тутилган идораларда ушбу тузилмаларнинг раҳбарлари, ҳарбий округларда — тегишли ҳарбий округлар қўшинлари командирлари, ҳарбий қисмлар ва муассасаларда — уларнинг командирлари (бошлиqlари) Махсус ҳисоб рақамидан тушган маблағларнинг тасарруфчилари ҳисобланадилар.

16. Молия вазирлигига Махсус ҳисоб рақами бўш маблағларини:

Давлат қисқа муддатли пул мажбуриятларида;

тијкорат банкларидаги депозитларда жойлаштиришга рухсат этилади.

Жойлаштириш натижасида олинган даромадлар Махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

17. Махсус ҳисоб рақами маблағларини ушбу Низомда назарда тутилмаган мақсадларга ўтказиш ва вактинчалик олиб қўйиш тақиқланади.

18. Махсус ҳисоб рақами маблағларининг ҳисобот йили охиридаги қолдиқлари олиб қўйилмайди ва кейинги йилга ўтади.

19. Махсус ҳисоб рақамига маблағларни ҳисоблаш ва ўтказиш бўйича банк хизматлари учун тўлов ундирилмайди.

V. Махсус ҳисоб рақамининг маблағларидан фойдаланиш ҳисоби ва ҳисботи

20. Сафарбарлик чакируви резервидаги хизмат сафиға олинган шахсларнинг ҳарбий тайёргарлиги ўтказиладиган ҳарбий қисмлар қилинган сарф-харажатлар

юзасидан ҳар ойда хисобот ойидан кейинги ойнинг 8-кунидан кечикмай ҳарбий округларга «Сафарбарлик чақириуви резерви бўйича харажатлар сметасининг ижроси тўғрисида хисобот» 2-шакли бўйича хисобот тақдим этишади. Хисоботда қилинган сарф-харажатларнинг ҳаммаси моддалар бўйича акс эттирилган бўлиши керак.

21. Ҳарбий округлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига хисобот ойидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикмай йигма хисоботлар тақдим этишади.

22. Муддатли ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар ва идоралар (Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат чегараларини қўриқловчи қўмита, Миллий хавфсизлик хизмати ва бошқалар) ҳар чоракда хисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечикмай Молия вазирлигига тасдиқланган харажатлар сметасининг ижроси бўйича хисоботлар тақдим этишади.

VI. Махсус хисоб рақами маблағларининг тушиши ва улардан фойдаланиш устидан назорат

23. Махсус хисоб рақамига маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тушиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

24. Махсус хисоб раками маблағларидан тасдиқланган харажатлар сметаларига мувофиқ қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилиши устидан жавобгарлик маблағларни олувчи вазирликлар ва идораларга юкландади.

25. Махсус хисоб рақами маблағларининг мақсадли молиялаштирилиши ва фойдаланилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ҳамда тегишли вазирликлар ва идораларнинг назорат-тафтиш бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 22 февралдаги 99-сон қарорига
3-ИЛОВА

Молия вазирлигининг «Сафарбарлик чақириуви резерви маблағлари» махсус хисоб рақамига бадал ўтказиш тартиби тўғрисида НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА

№_____

« » _____ йил

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги номидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 февралдаги 99-сон қарори асосида иш кўрувчи _____ туман (шахар) мудофаа ишлари бўлими бошлиги _____ бир томондан,

(Ф. И. О., ҳарбий унвони)

кейинги ўринларда **Чақириувчи** деб аталувчи фуқаро

(фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт маълумотлари)

(яшаш жойи манзили)

(Юридик шахслар учун _____

(юридик шахс номи, юридик манзили)

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

(банк реквизитлари)

номидан, _____ асосида
(шартнома тузиш ваколатини берувчи хужжат)
иш кўрувчи, кейнги ўринларда **Кафил** деб аталувчи _____
)

(Ф. И. О., лавозими)

мазкур шартномани қўйидагилар хақида туздилар:

1. Шартнома мавзуи

1.1. Чакирилувчи «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ сафарбарлик чакириви резервидаги хизматга кира туриб ўз зиммасига қўйидаги мажбуриятларни олади:

— «Сафарбарлик чакириви резерви маблағлари» маҳсус ҳисоб рақамига Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг _____ баравари миқдорида пул бадали ўтказиш.

Шартнома тузилаётган кунда бадал _____ сўмни ташкил этади.
(сўз билан)

— Мудофаа ишлари бўлими йўлланмасига мувофиқ ҳарбий тайёргарлик бўйича бир ойлик ҳарбий ўйғинлардан ўтиш.

1.2. Мудофаа вазирлиги Чакирилувчи томонидан қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда сафарбарлик чакириви резервида хизматни ўташи учун шартшароитлар яратиш, белгиланган пул бадалини тўлиқ ҳажмда тўлаган ва ҳарбий тайёргарликдан ўтган Чакирилувчига у ўйғирма етти ёшга тўлганда ҳарбий гувоҳнома бериш мажбуриятини олади.

2. Тўловларни тўлаш тартиби ва муддатлари

2.1. Тўловлар Чакирилувчи ёки Кафил томонидан Давлат-тижорат Халқ банки филиаллари орқали «Сафарбарлик чакириви резерви маблағлари» маҳсус ҳисоб рақамига шахсан тўланиши керак.

2.2. Бадал хизматга қабул килингандан кейин бир йил мобайнida қўйидаги шартларда тўланади (шартнома томонлари қўйидаги варианtlардан бирини танлайди):

- а) бир йўла, тўлиқ ҳажмда 200_____ йил _____ дан кеч бўлмаган муддатда;
- б) ҳар чоракда тенг улушларда;
- в) бошқа шартларда: _____

(томонларнинг келишувига кўра белгиланади)

2.3. Тўлов тўланганилигини тасдиқловчи хужжат нусхаси Чакирилувчи томонидан туман мудофаа ишлари бўлимига тўлов тўлангандан кейин уч иш кунидан кечиктиримай тақдим этилиши керак.

2.4. Бадал суммаси тўлов кунида республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи асосида белгиланади. Агар навбатдаги тўлов пайтигача энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгарса, тўловнинг қолган қисми янгидан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан хисоблаб чиқарилади.

3. Кафиллик

3.1. Кафил Чакирилувчи томонидан Мудофаа вазирлиги олдидағи мажбуриятларнинг тўлиқ ҳажмда бажарилиши мажбуриятини олади.

3.2. Чакирилувчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганда ёки зарур даражада бажарилмаганда Кафил Мудофаа вазирлиги олдида Чакирилувчи молиявий мажбуриятларининг бажарилмаган қисми бўйича тўлиқ жавоб беради ҳамда Чакирилувчи томонидан тўланмаган суммани қоплаш мажбуриятини олади.

3.3. Кафилнинг хукуклари, мажбуриятлари ва жавобгарлигининг мазкур шартномада назарда тутилмаган қисми Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг кафиллик шартномасини тартибга солувчи нормалари билан регламентланади.

4. Мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ва зарур даражада бажарилмаганлиги учун жавобгарлик

4.1. Сафарбарлик чақириви резервидаги хизмат сафига олинган шахс томонидан шартнома шартларига кўра пул бадали тўланмаган тақдирда, тўланмаган сумма Чакирилувчидан суд орқали ундириб олинади.

4.2. Бадалнинг тўлиқ миқдори мазкур шартномада белгиланган муддатда тўланмаган ва тўлов олти ойдан кечикириб юборилган тақдирда чақирилувчи муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши мумкин. Бунда бадалнинг тўланган қисми қайтарилимайди.

5. Якунловчи қоидалар

5.1. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган, томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан, тўрт нусхада тузилган. Шартноманинг тўртинчи нусхаси да сақланади.

(нотариал идора реквизитлари)

5.2. Шартнома нотариал тасдиқланган пайтдан бошлиб кучга киради ва Чакирилувчи сафарбарлик чақириви резерви сафида хизматда бўлган бутун даврда амал қиласди.

5.3. Шартнома Чакирилувчи томонидан пул бадалларининг тўлиқ суммаси 2.2-банда белгиланган муддатларда тўланмаган тақдирда Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин.

5.4. Мазкур шартномада тартибга солинмаган масалалар бўйича томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қиласдилар.

5.5. Шартномани бажариш жараёнида, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунуни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақириви резервидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан пайдо бўладиган барча низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ судда кўриб чиқилади ва ҳал қилинади.

Томонларнинг имзолари

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа
вазирлиги номидан**

туман (шаҳар)
мудофаа ишлари бўлими бошлиги
(ҳарбий унвони, Ф. И. О.)
(имзо, мухр)

Чакирилувчи

(Ф. И. О.)
(имзо)

Кафил

(Ф. И. О. ёки юридик шахс номи)
(имзо, мухр (юридик шахс учун))

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**37 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Давлат божи ставкалари ҳақида» 1994 йил 3 ноябр-
даги 533-сон қарорини қисман ўзгартириш тўғрисида**

«Давлат божи ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ
Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги
533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан
тасдиқланган Давлат божи ставкалари 4-бандининг «п» кичик бандига қўйидаги
ўзгартиришлар киритилсан:

иккинчи хатбошидаги «энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида» сўзлари «энг
кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида» сўзлари билан алмаштирилсан;

учинчи хатбошидаги «энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорида» сўзлари «энг
кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида» сўзлари билан алмаштирилсан.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 25 февраль,
100-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**38 Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбар-
лик чақируви резервидаги хизматини ташкил этиш-
га доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунни амалга
ошириш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Респу-
бликаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматини ташкил
етиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 22 февралдаги 99-сон қарорини бажа-
риш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ва Мудофаа вазирининг таклифи қабул
қилинсин ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган фуқаро-
лар томонидан Maxsus ҳисоб рақамига тўланадиган пул бадали суммаси 2003 йил-
да энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баравари миқдорида белгилансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 26 февраль,
104-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

39 Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллиги фуқаролари учун виза тартиботларини соддalaштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллиги ўртасидаги сиёсий, савдо-иктисодий, илмий-техник ва маданий ҳамкорликни янада фаоллаштириш, ишбилармонлик ва туристик мақсадларда Ўзбекистон Республикаси ташриф буюраётган Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллиги фуқаролари учун визаларни расмийлаштириш тартиботларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги:

ишбилармонлик мақсадларида Ўзбекистон Республикаси ташриф буюраётган Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллиги фуқаролари учун бир йил муддатга кўп марталик визаларни, Ўзбекистон Республикаси ташки ишлар вазирлигига мурожаат қилишига доир талабни бекор қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасаларида 2 иш кунида расмийлаштирасин;

турист сифатида Ўзбекистон Республикаси ташриф буюраётган Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллиги фуқаролари учун 1 ойгача бўлган муддатга кўп марталик визаларни, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ёки бошқа туристик ташкилотларнинг туристик ваучерларини тақдим этиш зарурлигига доир талабни бекор қилган ҳолда 2 иш кунида расмийлаштирасин.

2. Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор вазирликлари ва идоралари ўз идоравий хужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирасинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 27 февраль,
106-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

40 Франция Республикаси фуқаролари учун виза тартиботларини соддalaштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси билан Франция Республикаси ўртасидаги сиёсий, савдо-иктисодий, илмий-техник ва маданий ҳамкорликни янада фаоллаштириш, ишбилармонлик ва туристик мақсадларда Ўзбекистон Республикаси ташриф бую-

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

раётган Франция Республикаси фуқаролари учун визаларни расмийлаштириш тартиботларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

ишбилиармонлик мақсадларида Ўзбекистон Республикасига ташриф буюраётган Франция Республикаси фуқаролари учун бир йил муддатга кўп марталик визаларни, Ўзбекистон Республикасидаги таклиф қилаётган юридик шахснинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қилишига доир талабни бекор қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасаларида 2 иш кунида расмийлаштирун;

турист сифатида Ўзбекистон Республикасига ташриф буюраётган Франция Республикаси фуқаролари учун 1 ойгача бўлган муддатга кўп марталик визаларни, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ёки бошқа туристик ташкилотларнинг туристик ваучерларини тақдим этиш зарурлигига доир талабни бекор қилган ҳолда 2 иш кунида расмийлаштирун;

2. Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор вазирликлари ва идоралари ўз идоравий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирунлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 27 февраль,
107-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

41 Бельгия Қироллиги фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси билан Бельгия Қироллиги ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техник ва маданий ҳамкорликни янада фаоллаштириш, ишбилиармонлик ва туристик мақсадларда Ўзбекистон Республикасига ташриф буюраётган Бельгия Қироллиги фуқаролари учун визаларни расмийлаштириш тартиботларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

ишбилиармонлик мақсадларида Ўзбекистон Республикасига ташриф буюраётган Бельгия Қироллиги фуқаролари учун бир йил муддатга кўп марталик визаларни, Ўзбекистон Республикасидаги таклиф қилаётган юридик шахснинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қилишига доир талабни бекор қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасаларида 2 иш кунида расмийлаштирун;

турист сифатида Ўзбекистон Республикасига ташриф буюраётган Бельгия Қироллиги фуқаролари учун 1 ойгача бўлган муддатга кўп марталик визаларни, «Ўзбек-

туризм» миллий компанияси ёки бошқа туристик ташкилотларнинг туристик вау-черларини тақдим этиш зарурлигига доир талабни бекор қилган холда 2 иш кунида расмийлаштирун.

2. Ўзбекистон Республикасининг манбаатдор вазирларлари ва идоралари ўз идоравий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирунлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 27 февраль,
108-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

**42 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim
қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Макро-иқтисодиёт ва статистика вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 24 декабрдаги ПФ-3183-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартиришлар киритилсан.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 28 февраль,
112-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 28 февралдаги 112-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўзгартиришлар
киритилаётган қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 21 январдаги 45-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Устави 23-бандининг тўртинчи-саккизинчи хатбошлари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

«Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги раиси; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташки иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти бошлиғи;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари».

